

وَعَنْ أُسَيْرِ بْنِ عَمْرِو - وَيُقَالُ: ابْنُ جَابِرٍ، وَهُوَ «بِضْمِ الْهَمْزَةِ وَفَتْحِ السِّينِ الْمُهْمَلَةِ» قَالَ: كَانَ عُمَرُ  
بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِذَا أَتَى عَلَيْهِ أَمْدَادُ أَهْلِ الْيَمَنِ سَأَلَهُمْ: أَفِيكُمْ أُوَيْسُ بْنُ عَامِرٍ؟ حَتَّى أَتَى  
عَلَى أُوَيْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَقَالَ لَهُ: أَنْتَ أُوَيْسُ بْنُ عَامِرٍ؟ قَالَ: تَعَمْ، قَالَ: مِنْ مُرَادٍ ثُمَّ مِنْ قَرْنٍ؟  
قَالَ: تَعَمْ، قَالَ: فَكَانَ بِكَ بَرَصٌ، فَبَرَأْتَ مِنْهُ إِلَّا مَوْضِعَ دِرْهَمٍ؟ قَالَ: تَعَمْ. قَالَ: لَكَ وَالِدَةٌ؟ قَالَ:  
تَعَمْ، قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «يَأْتِي عَلَيْكُمْ أُوَيْسُ بْنُ عَامِرٍ مَعَ أَمْدَادِ أَهْلِ  
الْيَمَنِ، مِنْ مُرَادٍ، ثُمَّ مِنْ قَرْنٍ، كَانَ بِهِ بَرَصٌ فَبَرَأَ مِنْهُ إِلَّا مَوْضِعَ دِرْهَمٍ، لَهُ وَالِدَةٌ هُوَ بِهَا بَرٌّ، لَوْ أَفْسَمَ  
عَلَى اللَّهِ لِأَبْرَهُ، فَإِنْ اسْتَطَعْتَ أَنْ يَسْتَغْفِرَ لَكَ فَافْعَلْ»، فَاسْتَغْفِرَ لِي فَاسْتَغْفَرَ لَهُ، فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: أَيْنَ  
تُرِيدُ؟ قَالَ: الْكُوفَةَ، قَالَ: أَلَا أَكْتُبُ لَكَ إِلَى عَامِلِهَا؟ قَالَ: أَكُونُ فِي غَبْرَاءِ النَّاسِ أَحَبُّ إِلَيَّ.

فَلَمَّا كَانَ مِنَ الْعَامِ الْمُقْبِلِ حَجَّ رَجُلٌ مِنْ أَشْرَافِهِمْ، فَوَافَقَ عُمَرَ، فَسَأَلَهُ عَنْ أُوَيْسٍ، قَالَ: تَخَّيَّرْتُهُ رَثَّ  
الْبَيْتِ، فَلَيْلِ الْمَتَاعِ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، يَقُولُ: «يَأْتِي عَلَيْكُمْ أُوَيْسُ بْنُ  
عَامِرٍ مَعَ أَمْدَادٍ مِنْ أَهْلِ الْيَمَنِ مِنْ مُرَادٍ، ثُمَّ مِنْ قَرْنٍ، كَانَ بِهِ بَرَصٌ فَبَرَأَ مِنْهُ، إِلَّا مَوْضِعَ دِرْهَمٍ، لَهُ  
وَالِدَةٌ هُوَ بِهَا بَرٌّ، لَوْ أَفْسَمَ عَلَى اللَّهِ لِأَبْرَهُ، فَإِنْ اسْتَطَعْتَ أَنْ يَسْتَغْفِرَ لَكَ فَافْعَلْ» فَأَتَى أُوَيْسًا فَقَالَ:  
اسْتَغْفِرْ لِي، قَالَ: أَنْتَ أَحَدْتُ عَهْدًا بِسَفَرٍ صَالِحٍ، فَاسْتَغْفِرْ لِي، قَالَ: اسْتَغْفِرْ لِي، قَالَ: أَنْتَ  
أَحَدْتُ عَهْدًا بِسَفَرٍ صَالِحٍ، فَاسْتَغْفِرْ لِي. قَالَ: لَقِيتَ عُمَرَ؟ قَالَ: تَعَمْ، فَاسْتَغْفَرَ لَهُ، فَقَطِنَ لَهُ  
النَّاسُ، فَانْطَلَقَ عَلَى وَجْهِهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2542/225].

وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ أَيْضًا: عَنْ أُسَيْرِ بْنِ جَابِرٍ: أَنَّ أَهْلَ الْكُوفَةِ وَفَدُّوا إِلَى عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَفِيهِمْ رَجُلٌ

مَنْ كَانَ يَسْحَرُ بِأُوَيْسٍ، فَقَالَ عُمَرُ: هَلْ هَاهُنَا أَحَدٌ مِنَ الْقَرَبِيِّينَ؟ فَجَاءَ ذَلِكَ الرَّجُلُ، فَقَالَ عُمَرُ:  
إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ قَالَ: «إِنَّ رَجُلًا يَأْتِيكُمْ مِنَ الْيَمَنِ يُقَالُ لَهُ: أُوَيْسٌ، لَا يَدْعُ  
بِالْيَمَنِ غَيْرَ أُمَّ لَهُ، قَدْ كَانَ بِهِ بَيَاضٌ، فَدَعَا اللَّهُ تَعَالَى فَأَذْهَبَهُ إِلَّا مَوْضِعَ الدِّينَارِ أَوْ الدِّرْهَمِ، فَمَنْ لَقِيَهُ  
مِنْكُمْ فَلْيَسْتَغْفِرْ لَكُمْ» [2542].

وَفِي رِوَايَةٍ لَهُ: عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ  
خَيْرَ التَّابِعِينَ رَجُلٌ يُقَالُ لَهُ: أُوَيْسٌ، وَلَهُ وَالِدَةٌ، كَانَ بِهِ بَيَاضٌ فَمَرُّهُ فَلْيَسْتَغْفِرْ لَكُمْ»  
[2542/224].

قَوْلُهُ: «عَبْرَاءِ النَّاسِ» بِفَتْحِ الْعَيْنِ الْمُعْجَمَةِ، وَإِسْكَانِ الْبَاءِ وَبِالْمَدِّ: وَهُمْ: قُرَّأُوهُمْ وَصَعَالِيكُهُمْ وَمَنْ  
لَا تَعْرِفُ عَيْنُهُ مِنْ أَحْلَاطِهِمْ، «وَالْأَمْدَادُ» جَمْعُ مَدَدٍ: وَهُمْ: الْأَعْوَانُ وَالتَّاصِرُونَ الَّذِينَ كَانُوا يُمِدُّونَ  
الْمُسْلِمِينَ فِي الْجِهَادِ.

Усайр ибн Амр (Ибн Жобир)дан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттобнинг ҳузурига Яман аҳлидан қўшин келса, улардан «Орангизда Увайс ибн Омир борми?» деб сўрар эди. Ниҳоят, Увайсга рўбарў келиб, «Сен Увайс ибн Омирмисан?» деди. У: «Ҳа», деди. «Мурод (қабиласи)нинг Қаран уруғиданмисан?» деди. «Ҳа», деди. «Сенда оқлик бўлиб, у тузалиб, дирҳам ўрнича қолган холосми?» деди. «Ҳа», деди. «Сенинг онанг бор, шундайми?» деди. «Ҳа», деди. Умар шундай деди: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Сизларга Яман аҳлининг қўшини билан бирга Мурод қабиласининг Қаран уруғидан Увайс ибн Омир келади. Унинг (баданида) оқлиги бўлиб, у тузалиб, дирҳам ўрнича қолган бўлади. Унинг онаси бўлиб, (Увайс) унга жуда кўп яхшилик қилган бўлади. Агар у Аллоҳга қасам ичса, Аллоҳ ўша қасамини албатта рўёбга чиқаради. Агар у ҳаққингга истиғфор айтишига имкон топсанг, шундай қилгин» деганларини эшитганман. Ҳаққимга истиғфор айтгин». У унинг ҳаққига истиғфор айтди. Шунда Умар унга: «Қаерни кўзладинг?» деди. «Кўфани», деди. «Сен учун унинг волийсига мактуб ёзиб берайми?» деди. У: «Менга оддий одамлар орасида бўлиш ёқади», деди.

Келаси йили уларнинг (қаранликларнинг) улуғларидан бир киши ҳаж қилди. У Умарга учраган эди, Умар ундан Увайс ҳақида сўради. «Мен келаётганда унинг уйи содда, нарсалари оз эди», деди. Умар шундай деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Сизларга Яман аҳлининг қўшини билан бирга Мурод қабиласининг Қаран уруғидан Увайс ибн Омир келади. Унинг (баданида) оқлиги бўлиб, у тузалиб, дирҳам ўрничга қолган бўлади. Унинг онаси бўлиб, (Увайс) унга жуда кўп яхшилик қилган бўлади. Агар у Аллоҳга қасам ичса, Аллоҳ ўша қасамини албатта рўёбга чиқаради. Агар у ҳаққингга истиғфор айтишига имкон топсанг, шундай қилгин» деганларини эшитганман». Ўша одам Увайснинг ҳузурига бориб, «Мен учун истиғфор айтсанг», деди. У: «Сен яқинда муборак сафардан қайтдинг, сен мен учун истиғфор айтгин», деди. У яна: «Мен учун истиғфор айтсанг», деди. У ҳам яна: «Сен яқинда муборак сафардан қайтдинг, сен мен учун истиғфор айтгин. Умарга учраганмидинг?» деди. У «Ҳа» деган эди, (Увайс) унинг ҳаққига истиғфор айтди. Одамлар уни(нг кимлигини) билиб қолишган эди, у боши оққан томонга қараб кетди.

Имом Муслим ривояти.

Имом Муслимнинг яна бир ривоятларида қуйидагича келади:

Усайр ибн Жобирдан ривоят қилинади:

«Умарнинг ҳузурига Кўфа аҳлининг вафди келди. Уларнинг орасида Увайсни масхара қиладиган бир киши ҳам бор эди. Умар: «Бу ерда қаранийлардан бирор киши борми?» деган эди, бояги киши келди. Умар шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деган эдилар: «Сизларга Ямандан Увайс деган бир киши келади. У Яманда ёлғиз онасини қолдириб келган бўлади. Ун(инг бадани)да оқлик бўлиб, Аллоҳга дуо қилган ва У Зот буни ундан кетказган, фақат динор [ёки дирҳам] ўрнидек жойи қолган бўлади. Сизлардан бирор киши уни учратса, ҳаққига истиғфор айтишини сўрасин».

Имом Муслимнинг Умар розияллоҳу анҳудан қилган бошқа ривоятларида қуйидагича келади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Тобеъинларнинг энг яхшиси Увайс деган кишидир. Унинг ёлғиз онаси бор. Унинг (баданида) оқлиги бор эди. (Уни кўрсангиз,) унга айтинглари, ҳаққига истиғфор айтишини сўрасин» деганларини эшитганман».



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI